

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKACIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLIY XAVFSIZLIK XIZMATI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVQULODDA
VAZIYTLAR VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING
QARORI

275 Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тар-
моқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш,
улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1743-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПК-2293-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сон қарори (рўйхат рақами 1743, 2007 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 492-модда) билан тасдиқланган Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 май,
121-мх-сон

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 май,
8-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 май,
57-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 май,
6-сон

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 май,
14-сон

21 (677)-сон

— 55 —

275, 279-моддалар

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа
вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички
ишлар вазирлигининг 2015 йил 20 майдаги
121-мх, 8, 57, 6, 14-сон қарорига
ИЛОВА

**Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар
тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш,
улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 9-банддаги «Давлат қўмитасига» деган сўзлар «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 12-банддаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 13-банддаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.